

ПАРТИЯМИЗ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СИЁСИЙ ЙЎЛИ ХАМДА АМАЛИЙ ФАОЛИЯТИ ТЎЛАТЎКИС МАЪКУЛЛАДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН.

6 апрель 1971 йил, сешанба

№ 78 (14.948) • Баҳоси 2 тинин.

Информацион билдириш

5 апрель куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXIV съезди ўз ишлари давом эттирди.
Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади билан КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладыни муҳофаза қилди.
Эрталаби мажлисда КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Ф. А. ТАБЕЕВ, КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари Л. С. КУЛИЧЕНКО, Украина Компартияси Донецк область комитетининг биринчи секретари В. И. ДЕГТЯРЕВ ёзувчи, «Литературная газета»нинг бош редактори А. Б. ЧАКОВСКИЙ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизгин кутиб олинган чет эл коммунистик партияларининг вакиллари: Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари МАКС РЕЙМАН, Колумбия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ХИЛБЕРТО ВЕЙЕРА ўртоқлар сўзга чиқиб, съездни табриқладилар.
Шундан кейин КПСС Марказий Комитети билан КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладыни юзасидан КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари В. П. ЛОМАКИН, СССР қишлоқ хўжалик министри В. В. МАЦКЕВИЧ ўртоқлар сўзга чиқдилар.
Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизгин кутиб олинган чет эл коммунистик ва миллий-демократик партияларининг вакиллари: Буюк Британия Коммунистик партиясининг бош секретари ЖОН ГОЛЛАН, Венецуэла Коммунистик партиясининг бош секретари ХЕСУС ФАРИА, Ирландия Коммунистик партиясининг миллий секретари МАЙКЛ О'РИОРАН, Канада Коммунистик партиясининг бош секретари УИЛЬЯМ КАШТАН, Конго Меҳнат партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари КЛОД-ЭРНЕСТ НДАЛЛА ўртоқлар съездни табриқлаб нутқ сўзладилар.

Кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитети ҳисобот доклади ва КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот доклады юзасидан музокараларда Қозоғистон Компартияси Қосмоғ'лиск район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. А. ПОНОМАРЕВ сўзга чиқди. (Қўстанай область партия ташкилотидан).

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизгин кутиб олинган Португалия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ АЛВАРО КУНЬЯЛ съездни табриқлади.

КПСС Марказий Комитети ҳисобот доклади ва КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот доклады юзасидан КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Ф. ЕШТОКИН сўзга чиқди.

Шундан кейин делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизгин кутиб олинган Сурия Коммунистик партияси

Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Холма БАҒДАШ съездни табриқлади.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади ва КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот доклады юзасидан музокараларда шунингдек КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. З. ШАКИРОВ сўзга чиқди.

Съезд КПСС Марказий Комитети ҳисобот доклади ва КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот доклады юзасидан музокараларни тўғатишга қарор қилди. Съезд делегатлари ва меҳмонлар томонидан қизгин кутиб олинган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ яқунловчи нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан съезд бир овоздан қабул қилган қарорда КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини тўла-тўқис маъқуллади. Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладада баён этилган тақлифлар ва хулосаларни маъқуллади.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади бўйича КПСС XXIV съезди резолюцияси лойиҳасини тайёрловчи комиссияни сайлади.

Съезд КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладыни бир овоздан тасдиқлади.

Қуйидаги коммунистик ва миллий-демократик партияларининг вакиллари 5 апрелда Москва шаҳар партия ташкилотларига бориб КПСС XXIV съездини табриқлаб нутқ сўзладилар: Коста-Рика халқ авангарди партияси Марказий Комитети сиёсий комиссиясининг аъзоси ва Марказий Комитети секретари Эдуардо МОРА, Революцион Коммунистик партияси бош секретари Поль ВЕРЖЕС, Швейцария Меҳнат партияси Марказий Комитети раҳбарлик комитетининг аъзоси ва Марказий Комитети секретари Жан ВЕНСАН, Жанубий Африканинг Африка Миллий конгресси президенти вазифасини бажарувчи Оливер ТАМБО, Ғарбий Берлин бирлашган социалистик партиясининг раиси Герхард ДАНЕЛИУС, Ангола озодлиги учун кураш халқ ҳаракати партиясининг раиси Агостино НЕТО, Доминикана Коммунистик партиясининг бош секретари Нарсисо ИСА КОНДЕ, Панама халқ партиясининг бош секретари Рубен Дарно СОУСА.

Шарқий Покистон Коммунистик партияси делегациясининг бошлиги, Гаделупа Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ги ДАНЕНТ, Мозамбик озодлик фронт партияси раиси вазифасини бажарувчи Машел САМОРА, Эрон халқ партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ираж ИСКАНДЕРИ, Мавритания халқ партияси миллий Сиёсий бюросининг аъзоси Бакар Улд Сиди ГАИБА, Мартиника Коммунистик партиясининг бош секретари Арман НИКОЛЯ ўртоқлар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXIV СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС Марказий Комитетининг иши тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳисобот докладыни тинглаб ва муҳофаза этиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди қарор қилади:

КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолияти тўла-тўқис маъқуллансин;

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладада баён этилган тақлифлар ва хулосалар маъқуллансин.

КПСС МАРКАЗИЙ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ЯКУНЛОВЧИ СЎЗИ

1971 ЙИЛ 5 АПРЕЛЬ

Делегат ўртоқлар!
Съезд партия Марказий Комитетининг ҳисобот докладыни муҳофаза қилиб бўлди.

Докладни муҳофаза қилишда ҳамма иттифодш республикалар Компартияларининг, энг катта шаҳарларининг, мамлакат савоат ва қишлоқ хўжалик районларининг — Москва, Ленинград, Горький, Свердловск, Новосибирск, Кемерово, Красноярск, Барнаул, Уфа, Донецк, Оренбург шаҳарларининг, — мамлакатдаги бошқа энг йирик партия ташкилотларининг делегатлари иштирок қилдилар. Ишчилар синфи, қолқозчи деҳқонлар, экилчилар, ёшларнинг, армия коммунистларининг, шонли 14 миллионли Коммунистик партиямиз барча отрядларининг вакиллари сўзга чиқдилар. (Қарсақлар).

Марказий Комитетининг ҳисоботини муҳофаза қилиш принципиал ишчанлик билан ўтди, актив ва самарали бўлди, деб айтиш учун бизда ҳамма асослар бор. Делегатлар ҳисобот докладыни қимматли тақлифлар билан тўлдирдилар, шу тариқа уларнинг нутқлари Марказий Комитет доклада билан бир бутун бўлиб қўшилиб кетди.

Модомки, сўзга чиққан делегатларнинг ҳаммаси партия Марказий Комитетининг ҳисобот докладыни, сиёсий йўли ва амалий фаолиятини, келажакка мўлжалланган

ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатини маъқуллаган эканлар, биз бунинг бутун ленинчи партияимизнинг фикри деб ҳисоблашга ҳақимиз. (Давомли, гулдурос қарсақлар).

Айтилганларга қўшимча қилиб съезд делегатларининг овози бутун совет халқининг овози билан ҳамоҳанг бўлиб янграганини кўрсатиш мумкин. Съезд очилганидан кейин съезд ва Марказий Комитет номига коммунистлар билан партиячилардан икки юз эдик мингдан ортиқ мактуб ва телеграмма келди. (Қарсақлар).

Совет кишиларининг эзу сўзлари, улар партия сиёсатини қўллаб-қувватлаётганига, партия ишларидан астойдил манфаатдорлиги — ана шуларнинг ҳаммаси бизни ялғовчанлигини кўрсатиш мумкин. Съезд очилганидан кейинги тўғри йўлдан бораётганлигимизга ишончимизни тагин ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди. (Давомли қарсақлар).

Съездимиз иш муносабати билан ўзининг фикр-уйлари ва ҳис-туйғуларини ифода қилган ҳамма кишиларга, партияимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётган ҳамма киши-

ларга съезд номидан чуқур миннатдорчилик ифода этишга ижозат бергайсиз, делегат ўртоқлар. (Давомли қарсақлар).

Делегат ўртоқлар!
Бизнинг партияимиз съездеда барча социалистик мамлакатлар билан, бутун дунё коммунистлари билан, империализмга қарши барча курашчилар билан қизгин, бешистик интернационал бирдамлик ҳукм сурмоқда. (Гулдурос қарсақлар). Бу — жуда соғ, ўртоқлар. Бу — партияимизнинг бутун сиёсатига, улуг Ленин васиятларига батамом мувофиқдир! (Давомли, гулдурос қарсақлар).

Сўзга чиққан ўртоқлар партияимизда ва мамлакатимизда мустақам қарор топган ишчанлик, ўртоқларга ҳамкирамли, одамларга эътибор билан қараш ва шу билан бирга юксак талабчанлик, принципиаллик ва масъулият вазиятини бизнинг катта галабамиз деб атаб, шу ҳақда гапирдилар. Съездимиз айни шундай вазиятда ўтаётди, бу эса съезд ишининг муваффақиятига нўп жиҳатдан ёрдам бераётди, деб айтишга ҳақимиз деб ўйлайман. (Қарсақлар). Бу эса кейинги йилларда партия органлари ишида қарор топган услубни бундан буён ҳам сақлаб қолиш ва муста-

камлаш нақадар муҳим эканлигини яна бир қарра кўрсатди. (Қарсақлар).

Пировардига Марказий Комитет ҳисобот докладынинг бутун муҳофазаси жараёнидан келиб чиқадиган энг асосий хулосани яна бир марта таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу хулоса шундан иборатки, ҳозир партияимизда бирлик ва жипслик муҳити (Давомли қарсақлар). В. И. Ленин сабот билан даъват этган ҳамда бизнинг партияимизни қудратли ва енгилмас партияга айлантирадиган чинакам аҳил ишлар руҳи ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳукмронлик қилмоқда. (Давомли, гулдурос қарсақлар). Биз Ленин васиятларига содиқ бўлиб қолиб, партияимиз сафарларининг ана шу бирлигини бундан буён ҳам авайлаб сақлаймиз ва доимо мустаҳкамлайверамиз. (Давомли қарсақлар).

Ўртоқлар! Съезднинг бутун руҳи менинг анча муфассал яқунловчи нутқ сўзлашимга зарурат қолдирмади.

(Давомли гулдурос қарсақлар бутун залнинг овозини яна айланга кетади. Ҳамма ўрнидан турлади. Залда: «Ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар», «Ура!», «КПССга шон-шарафлар!», «Шон-шарафлар, шон-шарафлар, шон-шарафлар!», деган хитоблар янгради).

